ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 7 ноябр, сешанба № 178 (2227)

Ушбу сонда:

2 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ энг муҳим масала
3 ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА
4 БУ БЎСТОН САҲНИДА...

# ЎЗАРО МУСТАҲКАМ ИШОНЧ – МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

## Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 3 ноябр куни амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди

**Тили ва дини бир, тарихи умумий ва маданияти муштарак бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари азалдан бир-бири билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Яхши қўшничилик муносабатлари биз учун тарих тақозоси ва аждодларимиздан қолган бебаҳо меросдир. Биз бир дарёдан сув ичамиз.**

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бир-бирига таянч ва суянч бўлиб яшаши янгича мазмун касб этди, ўзаро ишончли ва манфаатли алоқалар ривожланди, юқори босқичга кўтарилди. Марказий Осиёнинг равнақида, минтақа барқарорлигида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг мунтазам учрашувлар ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама қилиб бориши мамлакатларимиз ва минтақамиз манфаатларига, замон талабларига мос бўлган ибратли амалиётдир.

Жорий йилда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларида катта ўзгаришлар рўй берди. Ислом Каримовнинг Қозоғистонга, Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифлари амалга ошди. Президентларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иктисодий ҳамжамияти саммитлари доирасида бир неча бор учрашдилар.

Шу йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Қозоғистон саммитида мамлакатларимиз ўртасида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор қилинди. Сентябр ойи бошида ўтган Остона саммитида бу келишув расмийлаштирилди — протокол имзоланди. Шу тариқа Президентларнинг келишувларини ҳаётга жорий этиш, имзоланган ҳужжатлар ижросининг мониторингини олиб бориш, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалаларни тезкорликда ҳал қилишнинг ноёб механизми яратилди.

3 ноябр куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг норасмий учрашуви бўлди. Одатда норасмий саммитда қатьий белгиланган кун тартиби бўлмайди, мулоқот янада эркин, очиқлик ва ишчанлик руҳида ўтади.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка доир қатор долзарб масалаларни муҳокама қилиб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани яна бир бор қайд этилди. Томонларнинг кўплаб халқаро масалаларга қарашлари бир хил ёхуд яқинлиги таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқот ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Мазкур учрашув Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг илк мажлиси деб аталди.

— Ўзаро муносабатларга доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилдик, — деди Ислом Каримов. — Қатор халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиб, уларга нисбатан умумий ёндашувларимизни баён қилдик.

Музокарада Қозоғистон Президенти ўзининг АҚШга ташрифи якунлари билан Ўзбекистон раҳбарини таништиргани маълум қилинди. Шу билан бирга, Афғонистон, Ироқ ва Эрондаги вазият юзасидан фикр алмашилган. МДҲ саммитига тайёргарлик, уни ислоҳ этиш борасидаги ёндашувлар муҳокама қилинган. Ҳамдўстлик барча аъзо мамлакатлар манфаатларига бирдек хизмат қилиши кераклиги хусусида Президентларнинг фикри бир жойдан чиққан.

Нурсултон Назарбоев жорий йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида давлат ташрифлари бўлиб ўтганини, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётганини, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бу йил 30 фоиз ўсишини таъкидлади.

— Тўққиз ой якунларига оид кўрсаткич 450 миллион АҚШ долларидан ошди, — деди олий мартабали меҳмон. — Биз йиллик товар айланмаси ҳажмини бир миллиардга чиқариш ниятидамиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб, ҳукумат органларига тегишли топшириқлар беришга қарор қилганларини таъкидладилар. Хусусан, чегарага туташ ҳудудларда савдо шохобчаларини очиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш ва шу орқали ўзаро савдони янада ривожлантиришга келишиб олинган. Эркин савдо тартибидан истисно қилинган маҳсулотлар рўйхатини қисқартириш имкониятлари кўриб чиқилган. Бу ҳам товар айирбошлаш ҳажмини янада орттиришга хизмат қилади.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев сувдан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалалар муҳокама қилинганини таъкидладилар.

Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида элчихоналарга ҳарбий маслаҳатчи (атташе) тайинлашга, кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олингани маълум қилинди.

— Биз келгусида ҳам шундай учрашувлар ўтказиб турамиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзаро мулоқотга эҳтиёж туғилса, муайян жойда учрашиб, мавжуд муаммони мана шундай музокара орқали тезкорлик билан ҳал қилишга тайёрмиз. Бу каби амалиёт халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришда, ўзаро ишончни мустаҳкамлашда, муайян масалаларга нисбатан умумий ёндашувларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

— Биз буюк қўшнилармиз, — деди Нурсултон Назарбоев. — Лекин ўзаро келишиб ечилиши лозим бўлган масалалар пайдо бўлиб туриши ҳам табиий ҳол. Шу боис ташқи ишлар вазирларига мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш тўғрисида топшириқ бердик.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг ушбу баёнотлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ва ҳар икки мамлакат манфаатларига мос ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Аввал хабар қилганимиздек, 31 октябр куни Тошкентда «Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо мамлакатларда бандлик ва меҳнат миграцияси муаммолари»га бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Қўмитаси мезбонлик қилди. Унда Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси, Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси, Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси ва Қирғизистон касаба уюшмалари Федерациясидан вакиллар иштирок этдилар.***

***Олий Мажлис депутатлари, бир қатор вазирликлар, ваколатли идоралар ва ташкилотларнинг масъул раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таркибидаги тармоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгашлари ва касаба уюшмалари минтақавий бирлашмаларининг раислари, ЎзКУФси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва бўлим бошлиқлари ҳамда журналистларнинг мазкур конференциядаги иштироки кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама қилиш имконини берди.***

***Газетамизнинг 2-3-саҳифаларида ишчанлик ва ҳамкорлик руҳида ўтган илмий-амалий конференция иштирокчиларининг фикрлари чоп этилмоқда.***

*Халқаро конференция*




***Халқаро таълим ташкилоти ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдаги конференцияси Самарқандда бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари соҳадаги аҳвол ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш хусусида фикр юритдилар.***

# ТАЪЛИМДА МАҚСАД МУШТАРАКЛИГИ

Конференцияда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Н.Акбаров республикамизда қабул қилинган таълим, касаба уюшмалари ва меҳнат тўғрисидаги қонунларни шарҳлаб берди. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, ёшларга берилаётган эътибор хусусида алоҳида тўхталди. Мустақилликнинг илк давриданоқ республикамиз ҳукумати ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш ишига муҳим масала сифатида қараб келмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни юқори поғонага кўтарди. Кўплаб янги мактаблар қурилмоқда, мавжудлари таъмирланаяпти. Йил сайин таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётир. Бу эса ўқитувчиларнинг иш шароити яхшиланишига, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазаси кучайишига имкон бермоқда. Давлатимиз бюджетидан таълим соҳасига маблағ ажратилади. Шу ҳисобдан ўқитувчиларга маош, устамалар тўланади. Соҳа ходимларининг иш ҳақлари ошириб борилмоқда. Тўланадиган ҳақ миқдори ўзгартирилмаган ҳолда дарс соатлари ставкаси камайтирилиши ҳам ижтимоий ҳимоя нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ўтган ўқув йилидан бошлаб мактабларда "Директор жамғармаси" ташкил этилиши ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган ижобий тадбирдир. Унда касаба уюшмаларининг иштироки ҳам таъминланган.





Умуман, тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ўқитувчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, иш шароитлари ва моддий-ижтимоий аҳволини яхшилаш учун изчил иш олиб бораяпти. Белгиланганидан ташқари тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида ходимларга кўплаб имтиёзлар, кафолатлар назарда тутилган. Ихтисослашган таълим муассасалари, кам таъминланган оилалар фарзандларининг ўқишига кўмаклашиш ҳукуматимиз ва касаба уюшмаларининг доимий эътиборида.

Ўзбекистонда таълим соҳасида қилинаётган ишлар ва эришилаётган натижалар, ўқитувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар конференцияда қатнашган хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, Халқаро таълим ташкилотининг Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича бош мувофиқлаштирувчиси Алоисиус Мэтьюс Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ибратли эканини эътироф этди. Таълимга давлат томонидан бу даражада катта ва кенг кўламли эътибор берилиши дунёдаги камдан-кам мамлакатларда учрайди. Ўқитувчиларнинг, умуман, таълимнинг аҳволи, айниқса, жануби-шарқий Осиё мамлакатларида оғир. Иш ҳақининг озлиги, мактабларда шароит йўқлиги сабаб бу ҳудудларда ўқитувчилар тирикчилик қилиш учун ҳар хил ишларни бажаришга мажбур бўлмоқда. Бундай ҳол, табиийки, таълим-тарбия сифатига салбий таъсир кўрсатади. Айрим мамлакатларда болаларнинг, хусусан, қизларнинг ўқишга жалб қилиниши аянчли аҳволда. Ўқитувчиларга қўшимча имтиёзлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ана шундай муаммоларни ҳал қилиш учун Халқаро таълим ташкилоти Мустақил касаба уюшмаларининг халқаро конфедерацияси, ЮНЕСКО, БМТ таркибидаги халқаро ташкилотлар, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Бутунжаҳон банки билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатларда ўқитувчиларнинг аҳволини яхшилаш, тармоқ касаба уюшмаларининг мавқеини ошириш чоралари кўрилмоқда. Афсуски, ҳамон кўзланган мақсадга эришиб бўлмаяпти.

Халқаро таълим ташкилоти ўтказаётган конференция халқаро тажриба алмашинув, давлатлар учун умумий бўлган таълим муаммолари ечимини топиш, Дакарда қабул қилинган "Таълим ҳамма учун" дастури вазифаларининг миллий миқёсда татбиқ этилиши учун касаба уюшмаларини фаол жалб этиш, ҳаракатлар кўламини кенгайтиришга қаратилган. Республикамиз таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллари бу жараёнларда фаол қатнашмоқда. Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги сиёсати бошқа давлатлар учун мезон сифатида қаралаётгани янада қувончлидир.

Конференция қатнашчилари ўзаро амалий мулоқотда бўлиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Пировардида, нуфузли анжуман ғояларини бошланғич ташкилотларга етказиш, мақсад йўлидаги ҳаракатларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**"Ишонч" мухбири,**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

*«Шарқ» нашриётининг 15 йиллигига*



***Республикамиз матбаачилигида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг алоҳида ўрни бор. Дастлаб ўз фаолиятини 1921 йилда босмахона, 1924 йилдан нашриёт сифатида бошлаган мазкур корхона узоқ йиллар давомида миллионлаб нусхада газета, журнал ва ҳар хил турдаги китоблар ва бошқа ноширлик маҳсулотларини чоп этиб, халқимизнинг нашрларга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.***

# МАТБААЧИЛИК ОСМОНИДАГИ ЁРҚИН ЮЛДУЗ

Нашриёт, айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳар жиҳатдан юксалди, йирик газета-журнал нашриётлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Асосий ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилиб, янги технологиялар жорий этилди.

Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки йили, яъни 1991 йилнинг 6 ноябрида Президентимизнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармони эълон қилинди. Шундан сўнг ўтган ўн беш йил давомида мазкур матбаа корхонасида улкан ишлар қилинди. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, малакали кадрлар билан таъминлаш борасида компания қатор ютуқларга эришди. Даврий нашрлар, бадиий адабиётлар билан бир қаторда дарсликлар, турли илмий-оммабоп китоблар чоп этиш суръати ҳам сезиларли даражада ошди. Газеталар нашри тўлиқ компьютерлаштирилган тизимда амалга оширила бошланди. Кейинги йилларда компаниянинг қуввати ошиб, йилига 200 миллион нусхада газета, 20 миллион нусхада журнал ва 35 миллион қаттиқ ҳамда юмшоқ муқовали китоблар чоп этмоқда. Бундан ташқари, компания маҳсулотларининг тури ҳам бир неча баробар ошди.

Ноширлик ва матбаачилик бўйича халқаро танловларда мунтазам равишда иштирок этиб келаётган бу йирик компания қатор совринли ўринларни қўлга киритди. 1999 йил Женевада дунёнинг 57 мамлакати иштирокчилари ўртасида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қатнашиб, халқаро Олтин Юлдуз билан тақдирланди, бир неча бор халқаро танловларнинг дипломлари ва нуфузли мукофотларига сазовор бўлди.

Бундан ташқари, корхона хорижлик вакиллар билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Германия, Россия, АҚШ, Ҳиндистон, Чехия каби давлатлар билан матбаачилик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш, пировардида, жаҳон ноширчилик тажрибаларини ўзлаштириш, етук мутахассислар ихтироларидан бохабар бўлишга эришилмоқда.




...да чоп этилган компаниянинг юқори сифатли ранг-баранг китоблари "Шарқ зиёкори" китоблар маркази ва унинг жойлардаги филиаллари орқали аҳолига етказиб берилаётир.

дир. Айниқса, компания матбаачиликнинг ватани бўлмиш Германия билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Босмахоналарда ўрнатилган ускуналарнинг асосий қисми Германиянинг "Man-Palmag", "Ziglas", "Kolbus", "Miller-Martin", "Planeta" сингари машҳур фирмаларида ишлаб чиқарилган. Мана шундай замонавий ускуналар воситасида чоп этилган компаниянинг юқори сифатли ранг-баранг китоблари "Шарқ зиёкори" китоблар маркази ва унинг жойлардаги филиаллари орқали аҳолига етказиб берилаётир.

Корхонанинг 2005-2007 йилларга мўлжалланган илмий-техник ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилган. Бундан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, компания таркибида фаолият юритаётган "Андижон нашриёти", "Шарқ зиёкори", "Ишлаб чиқариш-тижорат маркази" ҳамда "Овқатланиш ва савдо комбинати" сингари очиқ турдаги акциядорлик жамиятларида олиб борилаётган ишлар ҳам оқилона йўлга қўйилган. Кенг имкониятларга эгалиги, сифатли маҳсулотлари билан республикамиз матбаачилигида ҳар жиҳатдан етакчи ўрин тутиб келган "Шарқ" НМАК мана 15 ёшга тўлди. Яқинда шу муносабат билан бўлиб ўтган «Экспортга йўналтирилган ҳар хил турдаги маҳсулотларни тайёрлашда илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш» мавзусидаги 5-Халқаро илмий-амалий конференцияда ҳам компаниянинг босиб ўтган йўли, истиқлол йилларида эришган ютуқлари санаб ўтилди.

Конференциянинг очилиш маросимида сўзга чиққан корхона бош директори О.Юнусов компаниянинг кейинги ривожланиш босқичлари ҳамкорлик алоқаларининг кенгайишига боғлиқ эканини таъкидлади.

Конференцияда "SPPM" фирмасининг ҳудудий вакили А.Варламов, "Формат" МЧЖ директори Ю.Сергеев ҳамда "ТзПК" очиқ акциядорлик жамияти вакилларининг ахбороти тингланди. Йиғилганлар "Шарқ" НМАК жамоасини компаниянинг 15 йиллиги билан қизғин табрикладилар.

**Раимқул СУЯРОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Тадбир*

# ХАЛҚАРО ФОРУМ

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш"га бағишланган форум бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё республикалари соғлиқни сақлаш вазирликларининг ҳамда бир қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди. Форум қатнашчиларининг диққат-эътибори оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ўлими, камқонлик ва темир танқислигининг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр алмашиш, шунингдек, бу борада тажриба алмашиш масалаларига йўналтирилди. Анъанавий ўтказилаётган форум бу сафар ЮНИСЕФ, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Очилиш маросимидан сўнг ҳар бир давлат иштирокчиларининг маърузаси тингланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назировнинг "Ўзбекистон Республикасида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш ҳақида"ги маърузасида она ва бола саломатлигини сақлаш бўйича давлат дастурининг амалга оширилиши ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлашда бепул, юқори сифатли технологиялар ёрдамида хизмат кўрсатиш борасидаги муаммолар ва уни ҳал этиш чоралари тўғрисида таклифлар билдирилди.

— Форумдан умидимиз катта, — дейди ЮНИСЕФнинг МДҲ ва Марказий, Шарқий Европа мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Мария Калавис хоним. — Шу пайтгача Марказий Осиё давлатларида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга доир турли лойиҳалар ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади ўлим ҳолатини йўқ қилиш. Бу, нафақат ушбу давлатлар миқёсида, балки бутун дунё мамлакатлари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифадир.

**Мактуба МЎМИНОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

